

O'ZBEKISTON

BUNYODKORI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

Строитель Узбекистана

№37 (386)

2020 йил 19 май, сешанба


Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

UZBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@umail.uz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида

Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қуйдагилар 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябргача бўлган даврда **мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинсин:** кичик тадбиркорлик субъектлари; бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маший хизматлар кўрсатиш, бинолари, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.

2. Кичик тадбиркорлик субъектларига қуйдаги суммаларни ҳисобдан чиқариш кўринишида давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш тақдими этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон фармонларига асо-

сан фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўлашни лозим бўлган мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммалари;

2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари.

3. Тадбиркорлик субъектларига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича 120 кун муддатгача кечиктириш олиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган даврда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундирилган **божхона бож ва акциз солиғини тўлаш муддатини** 2020 йил 1 июлгача кечиктиришни қўллаш ҳуқуқи, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шarti билан берилсин.

4. Белгилансинки, 2020 йилнинг 1 майдан 1 июлгача бўлган даврда микрофирма ва ки-

чик корхоналарга (акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фойс ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно) **ижтимоий солиқ ставкаси 12 фойздан 1 фойсгача камайtirилади.**

5. Микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириш 2020 йил 1 сентябргача тўхтатилсин.

Давлат солиқ хизмати органлари 2020 йил 15 май ҳолатига микрофирма ва кичик корхоналарнинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва ўтказиш бўйича инкассо топшириқномаларини қақриб олсин.

Микрофирма ва кичик корхоналарга 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ижро этилмаган тўлов топшириқномаларини қайтариб олиш ҳуқуқи берилсин.

(Давоми 2-бетда)



Чегара билмас саховат



Маълумки, жорий йил 1 май куни Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилиб, ёндош туманлардаги маҳаллалар ва далаларни сув богсан эди. Давлатимиз раҳбари зудлик билан ҳодиса юз берган жойга етиб бориб, вазиятни барқарорлаштириш ишларига шахсан бош-қош бўлди.

Ушбу фавқулодда вазият оқибатида Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида 2 570 та уй-ҳовли, 76 та кўп қаватли уй яроқсиз ҳолга келган эди. Шунингдек, 1 781 ҳовли, 52 та кўп қаватли турар жой қисман зарарланган. 70 та ижтимоий объект, 20 миң гектарга яқин экин майдони, 828 километр йўл, электр, газ, ичимлик сув, алоқа тармоқларига талфот етган. Шунингдек, 19,6 миң га қишлоқ ҳўжалиги экин ерлари тошқиндан зарар кўрган.

Бу синов қаршида халқимизнинг бирлиги, ҳамжихатлиги, меҳр-оқибати яна бир бор яққол намоён бўлди. Тезкор чора-тадбирлар натижасида Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 28 та маҳалладан 90 миңга яқин фуқаро хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинди. Уларга биринчи даражали зарур шароитлар яратилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказилди. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, вазирлик ва уюшмалар, юртдошларимиз томонидан Сирдарё аҳоли-сига ёрдам бериш учун ҳоимийлик маблағлари ўтказилди, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва рўзғор буюмлари юборилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги сафарлари чоғида бу ерлик одамларнинг ҳаётини нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки уни янада яхшилаш, янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиб, янги иш ўринлари яратишни вазифа қилиб қўйган эди.

Бугунги кунда Ҳўкумат комиссияси иш олиб борапти. Зарар етган уй-жойларни тиклаш ва таъмирлаш, одамларни ўзининг уйига қайтариш ва рўзғорига ёрдам бериш, инфратузилмани тиклаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишга катта куч ва воситалар сафарбар этилган. Бу борада Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари жонбозлик кўрсатмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида зарар кўрган ҳудудларда кенг қамровли қуйдаги ишлар амалга оширилди:

- сўв богсан 25 та аҳоли пунктларидан 13 таси сувдан тозаланган ва 20 та аҳоли пунктлари ва уларнинг ҳудудлари чиқиндилардан тозаланди;
- 4 586 та уйлар чиқиндилардан тозаланиб, сувдан тозаланган хонадонларда дезинфекция ишлари амалга оширилди;
- аҳолининг жами йўқотилган 10 860 та ҳужжатлари, хусусан 3 970 та фуқаролик паспортлари ва 2 840 та туғилганлик ҳақида гувоҳнома-ларидан бугунги кунга қадар, жами 834 нафар фуқароларнинг биометрик паспортлари, 574 та туғилганлик ва 4 та ўлим ҳақидаги, 220 та никоҳ гувоҳномалари тикланди;
- талофат кўрган 13 383 та аҳоли ва тадбир-

корлик субъектларининг банклардан кредит қарздорликлари қайтарилиши ва муддатларини узайтирилиши қайта кўриб чиқилиши режалаштирилиб, 13 383 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг 655 млрд сўмлик кредитларининг 186,2 млрд сўмини қайтариш муддати 6 ойгача муддатга узайтирилди.

Сув тошқинидан зарар кўрган маҳаллаларда ҳаёт аста-секин ўз изига тушмоқда. Ҳозирги кунда қарийб 70 миңга яқин аҳоли ўз уйларига қайтди. Талофат кўрилган бошқа жойларда тозалаш-таъмирлаш ишлари тезкор суръатларда давом этмоқда.

Куни кеча Давлатимиз раҳбари мазкур ҳудудга яна бир бор ташриф буюриб, амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, Сирдарё вилоятида барпо этилаётган турар жой мажмуалари қурилишини бошлаб берди. Ушбу ташриф давомида шунингдек, қуйдаги ишлар амалга оширилиши маълум қилинди:

- сўв тошқинидан зарар кўрган 4,5 миңга яқин хонадон эгаларининг ҳар бирига Ўзбекистон Республикаси Президентидан:
- 40 миллион сўмлик моддий ёрдам;
- телевизор, музлатгич, кир ювиш машинаси, минипеч, электр чойнак ва дазмол каби маший техникалардан иборат совғалар топширилди;
- уй-жойлари бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган аҳоли учун 3 та массивда жами 2 640 квартиралари 66 та 5 қаватли уй қурилиши режалаштирилди;
- таъмирланадиган ва янги қуриладиган уйлар давлат томонидан бепул қуриб-таъмирлаб берилди;
- 1 сентябргача одамлар янги кўп қаватли уйларга ва ўзларининг таъмирланган ҳовли-жойларига тўлиқ кўчиб ўтади;
- шу билан бирга, уйлари зарарланган одамларнинг илгариги ҳовлилари ҳам ўзларидан қолади;
- Сирдарё вилоятининг Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида 1 800 га яқин бетон панелли коттежлар замонавий таъмирланиб, ўз эгаларига топширилди;
- талофат кўрган ҳудудлардаги қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари бошчилигида 305 та қурилиш ташкилоти ва 12 миңга яқин қурувчилар Сирдарёга етиб келган;
- яқин вақт ичида Сирдарё вилоятининг зарар кўрган туманларида қиймати 2 триллион 143 миллиард сўмлик 323 та катта-кичик лойиҳалар амалга оширилди;
- ушбу лойиҳалар ҳисобида Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба туманларида жорий йилда 10 миңга яқин киши иш билан таъминланади.

Ўз мухбиримиз.



Маҳаллий поездлар қатнови қайта тикланмоқда



Мамлакатимизда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш юзасидан бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йил 13 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида «яшил» ва «сарик» ҳудудларда санитария-гиғiena талабларига қатъий амал қилган ҳолда хизмат кўрсатиш турларига бошқичма-бошқич рухсат бериш мумкинлиги белгиланди.

Республика махсус комиссияси томонидан карантин даврида маҳаллий йўналишларда темир йўл қатновларини йўлга қўйишнинг вақтинчалик тартиби тасдиқланди. Шунга мувофиқ, 2020 йил 18 майдан бошлаб, Тошкент шаҳридан Навоий, Бухоро, Қарши шаҳарларига «Афросиёб» тезюрар поездлари ҳамда Фарғона водийсига йўловчи поездлар қатнови қайта йўлга қўйилди.

Шу билан бирга поездлар қатновларини ташкил этишда барча карантин қоидаларига амал қилиш, шу жумладан, йўловчилар сонини

камайтириш, дезинфекция қилиш ва бошқа санитария талаблари сўзсиз бажарилиши талаб этилади.

Темир йўл вокзали ҳудуди ҳамда темир йўл транспортда барча йўловчилар бир марталик ҳимоя никоҳлари ва қўлқопларда бўлишлари, темир йўл вокзалларида ижтимоий масофани сақлашлари ҳамда йўналтирувчи махсус тасмалар бўйлаб ҳаракатланишлари шарт. Йўловчилар поезд вагонларига ижтимоий масофани сақлаган ҳолда жойлаштирилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4701-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ресурслари ҳисобидан яқна тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредит ажратилиши бўйича ўтказилган эксперимент Тошкент шаҳрига татбиқ этилсин.

лиқни давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилсин: тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фойз ставкаси билан миллий валютада бериладиган инвестициявий кредитлар бўйича, Жамғарма тўғрисидаги низоом талабларини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномаси амал қилишининг биринчи йили давомида; 2020 йил 1 октябрга қадар тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдирish учун миллий валютада 500 миллион сўмгача бериладиган кредитлар бўйича Жамғарма тўғрисидаги низоом талабларини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномаси амал қилиш муддати давомида 10 фойзлик пункт миқдориди.

тўлиқ ва ўз вақтида қўлланилиши устидан мониторинг ўрнатсин ва қонун бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича тақдирлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 18 май


Маҳаллий поездлар қатнови қайта тикланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Бухоро шаҳридаги корхоналардан бирида ишламан, – дейди Исроил Комилжонов. – Карантин чекловлари босқичма-босқич юшатилиб, поездлар қатнови қайта йўлга қўйилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Яна ишга қайтаямиз. Вокзалга киришдан тортиб, поезд вагонларига чиқиш ва ўриндиқларга ўрнашгача санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш талаб этилмоқда. Янги ҳимоя ниқоби ва қўлқоплар берилди. Тана ҳарорати текширилмоқда. Ижтимоий масофа сақланган ҳолда жойлашдик. Бу жуда яхши. Худо хоҳласа эсон-омон манзилимизга етиб оламиз.

билан жиҳозланди. Биринчи ўтказиш пунктларида темир йўл ходимлари томонидан пирометр ёрдамида йўловчиларнинг тана ҳарорати ўлчанди. – Тана ҳарорати 37 С дан юқори бўлмаган йўловчилар дезинфектор/тоннеллар ёрдамида зарарсизлантирилади ҳамда улардаги мавжуд ниқоб ва қўлқоплар махсус чиқинди қопларига солиниб, уларга янги бир марталик ҳимоя ниқоблари ва қўлқоплар тақдим этилади, сўнгра вокзалга киришлари рухсат берилди, – дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ марказий Санитария-эпидемиология хизмати бош врачи Шодмонкул Абдураимов. – Тана ҳарорати 37 С дан юқори бўлган йўловчилар соғлиқни сақлаш ходимлари назоратига топширилади. Соғлиқни сақлаш ходимларининг ҳулосасига кўра йўловчига темир йўл хизматларидан фойдаланишига рухсат берилмайди. Бундай ҳолатларда йўловчига чипта пули ўрнатилган тартибда қайтариб берилди. Ўрнатилган вақтинчалик тартибдан кўзланган асосий мақсад йўловчиларни, умуман, аҳолимизни коронавирус инфекциясидан ҳимоя қилиш, шунингдек, пандемия кенг тарқалишининг олдини олишдир.

Нурилло НАСРИЕВ, Ўза мухбири.



Мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ёки Навоий давлат кончилиқ институтини фаолиятига бир назар

Марказий Осиёда ягона бўлган Навоий давлат кончилиқ институтида бугунги кунда 13 та кундузги бакалаврият таълим йўналиши, 10 та магистратура мутахассислиқлари ва 6 та бакалаврият таълим йўналишларида махсус сиртқи ўқитиш тизимида олий малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Касб байрами кенг нишонланди

Салкам 20 йилдирки май ойининг учинчи якшанбасида мамлакатимизда кончилиқ ва металлургия саноати ходимлари кунини нишонлаиб келинмоқда.

– Касб байрамимизни бугунги мураккаб бир вазиятда кутиб олаётганимизга қарамай, ОКМК жамоаси айёмга улкан меҳнат зафарлари билан кириб борди. Бу режавий кўрсаткичларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. – дейди «Олмалик КМК» АЖ бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов. – Республикада эълон қилинган карантин туфайли қўллаб-қувватлаш фаолияти вақтинча тўхтатилди. Буни инобатга олган ҳолда биз қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдик. Бунда бошқарув компанияси, мутахассислар ва бўлим бошлиқлари билан маслаҳатлашган ҳолда мавжуд омилар атрофида ўрганилиб, ҳаракатга киришилди.

– Инвестиция лойиҳалари ижросини таъминлаш бўйича ҳам катта режаларимиз бор, – дейди суҳбатдошимиз. – Уларнинг ҳар бири эътиборга молик. Уларнинг энг йириги бўлган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишини алоҳида қайд этмоқчиман. Қурилиш ишлари бошлангандан буён бу ерда бир миллион куб метр ер ишлари бажарилди. Қарийб 30 минг погонметр бургулаш ишлари амалга оширилди. Қурувчиларимиз томонидан чиқинди хўжалигини барпо этиш ишлари ҳам бошлаб юборилиб, бу ерда 90 га яқин турли русумдаги техника воситалари жалб этилган.

Мазкур таълим даргоҳининг фаолияти, унинг илмий салоҳияти билан яқиндан танишиш мақсадида Навоий Давлат кончилиқ институти проректори Бахтиёр Мардонов билан суҳбатда бўлдик.

(PhD) диссертациялари ҳимоялари муваффақиятли амалга оширилди. 2020 йилнинг январь ойида институт профессор-ўқитувчилари ва мустақил изланувчилардан 3 нафари фалсафа доктори (PhD) ишларини ҳимоя қилишди. 2020 йилда илмий салоҳиятни 9 фойизга ошириш, жумладан умумий салоҳиятни 45 фойизга етказишни ният қилганмииз.

– Илм-фан эгаларини қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш келгуси илмий фаолиятда муҳим аҳамият касб этади. Айтинг-чи, бу борада институтида қандай амалий чора-тадбирлар олиб борилмоқда? – Албатта, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш орқали илм-фани ривожлантириш, соҳада қўллаб-қувватлаш эришиш мумкинлиги инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Айни шуларни назарда тутган ҳолда иқтидорли талабалар, магистрлар, ёш олимлар ва етакчи профессорларнинг устоз-шогирд асосида илмий-тадқиқот ишлари тизими шакллантирилган. Ҳозирги кунда 18 та инновацион гуруҳ ташкил этилган бўлиб, уларга 23 нафар етакчи профессорлар, 139 нафар олимлар, ўқитувчилар ва докторантлар, 133 нафар талабалар бириктирилган. 2019 йилда мамлакатимиз миқёсида ўтказилган «Республика ёш олимларнинг инновацион лойиҳалари» танловида институтиимиз ёшлари 11 та лойиҳа билан муваффақиятли иштирок этишди.

Буллардан ташқари, 24 нафар профессор-ўқитувчимиз хорижда малака ошириб, стажировка курсларини ўташди. 13 нафар битирувчи талаба магистратурада таълим олишга ҳамда 2 нафар ўқитувчи PhDга ўқиш мақсадида хорижга юборилган. Украина ва Беларусининг бир қатор олийгоҳлари билан қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш мақсадида «2+2» бакалавр ва «1+1» магистр форматларида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳозирда институтида 6 нафар хорижий талаба таълим олмақда, уларнинг 3 нафари Россия, 2 нафари Қозоғистон ва 1 нафари Туркменистон фуқароси.

«O'zbekiston bunyodkori» мухбири Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

БУРЧ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Мамлакатимизда инсон манфаатлари фаровон ҳаётимизни янада яхшилашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бу соҳада давлатимиз томонидан дастурлар, қарор ва қонунлар қабул қилинган. Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳаётга, меҳнат қучоғига қайтариш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам мазкур масалага жиддий эътибор қаратилиб, ижобий натижалар қўлга киритилаётир. Мутахассисларнинг қуйидаги фикрларидан буни билиб олиш мумкин.

Равшан ИСОҚОВ, Самарқанд шаҳридаги 60-ТМЭК раиси:

– Ногиронлиқни белгилаш тўғрисидаги масалани диагностика, даволаш ва соғлиқни сақлаш тадбирлари ўтказилгандан сўнг кўриб чиқамиз. ТМЭК касаллиқнинг характеридан ёки нуқсонидан қатъий назар ҳар бир ҳолатда бемор организмнинг барча тизимларини ялпи текширувдан ўтказиш зарур. Бу ногиронлиқни аниқлаш ва имкон қадар уни даволаб соғломлаштириш имкониятини яратди.

Ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳатто бир нафарини соғломлаштириб, мустақил яшаш ва ишлашга тиклаш биз учун қувонч бағишлайди.

Бинобарин самарали даволанаётган ногиронлиги бўлган киши доимо шифокор маслаҳатини олган ҳолда назорат остида бўлганида яхши натижага эришади. Ҳозир шаҳримизда ана шундай инсонлар кўпчилик эканлиги меҳнатимиз натижасидир.

Эндиликда одамларнинг ногиронлиги бўлган шахсларга муносабатини ўзгартириш бўйича ҳам кенг кўламли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллашяпти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича чоралар белгиланяпти.

Яна бир фикр. Ногиронлиқнинг олдини

олишда профилактиканинг уч босқичига қатъий амал қилиш муҳим. Саломатлиқнинг шаклланиши нафақат ижтимоий, иқтисодий ва экологик ҳолат, ёш, жинс ва наслий омилларга, балки ҳар бир инсон томонидан танлаган ўз соғлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга кўмак берувчи ижобий ва салбий ҳаракатларга боғлиқлигини унутмаслик лозим.

Хуллас, соҳамиз ходимлари олдида ҳали катта вазифалар турибди. Ўйламанки, биз қўзланган мақсадга эришиб, ҳар бир инсонга гамхўрлик ва муруват кўрсатишдан чарчамаймиз.

Марҳаб УЗОҚОВА, Самарқанддаги 56-туманлараро ТМЭК раиси:

– Шифокорлар инсон саломатлигини биринчи даражали вазифа, деб биладилар. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти кишини улуғлашга, унинг шаъни, қадр-қимматини оширишга ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Жумладан, аҳолининг ўзгалар мададига муҳтож қатлами – ногиронлиги бўлган шахсларга ҳаётда тенг имконият ва шароит яратиб бериш долзарб масала ҳисобланади. Бунда тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари муҳим ўрин тутди, албатта.

Шу боисдан ўзимиз хизмат қилаётган Самарқанд ва Тайлоқ туманлари аҳолиси ўртасида ногиронлиқнинг олдини олиш борасида тинимсиз тарғибот ишларини ўтказиб келаямиз. Тиббиёт ходимлари, маҳаллалар фаоллари бунда бизга яқиндан кўмаклашмоқда. Ногиронлиги бўлган шахсларга эса алоҳида эътибор қаратилиб, улар шароитларини яхшилашга имкон даражасида ёрдам бераёلمиз. Беморларга дори-дармон ажратиш, турли техник воситалар билан таъминлаш, реабилитация марказларида саломатлигини тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ижобий натижа кўрсатаётир.

Биз ўз бурчимизга виждонан ёндашиб, жисмоний имконияти чекланган инсонларга бағрикенглик, меҳрибонлик, хушмуомалалик билан муносабатда бўлиб улар дуосини олаверамай.

Фурқат ИГАМОВ, Самарқанд вилояти 62-ихтисослаштирилган психиатрия ТМЭК раиси:

– Жисмоний, ақлий ва руҳий имконияти чекланганларга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамларининг кўлами кенглиги, эҳти-ёжманд инсонларнинг давлат томонидан қай даражада қўллаб-қувватланаётганлигини кейинги пайтларда қабул қилинган меъ-ёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони жисмоний им-

конияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини берди, шунингдек улар ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, қулай, мақбул муҳитни таъминлаш, тиббий-ижтимоий муассасалар моддий-техник жиҳозланишини яхшилашга хизмат қилади. Жисмоний имконияти чекланган инсонларга кўрсатилаётган ҳурматни шундан ҳам билса бўладики, бундан буён улар «ногирон» эмас, балки «ногиронлиги бўлган шахслар» деб аталмоқда. Бундай ҳолат барча кўнгли ўқик қалбларга руҳий мадад ва куч-ғайрат бағишлаганига шак-шубҳа йўқ.

Жамоамиз аъзолари – малакали психиатр Гуландом Уроқова, невропатолог Сирожиқидин Раббимов ва ҳамшира қизларимиз билан биргаликда ногиронлик, айниқса болаликдан ногиронлиқнинг олдини олиш ва камайтириш учун жойларда семинарлар, суҳбатлар уюшти-раяёмиз. Оилавий поликлиникалардаги ҳам-касблар билан биргаликда беморларнинг уй-ларига бориб, саломатликларини назоратдан ўтказиб турибмиз. Шунингдек, туғма ва ирсий касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ҳамда улар профилактикасининг замонавий усуллари жорий этилиши тўғрисида ақли заиф болалар туғилиши ҳоқини камайлантириш бўйича сазовор. Зеро, бизнинг олижаноб вазирамиз ҳам бурчимиз ҳам шуну тақозо этади.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Самарқанд вилояти филиали

ҚАЙТАДАН ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилиш муддати	Махсус ахборот порталида эълон берилган сана
1.	Оқдарё тумани, «Оқдарё» МФИдаги 120 ўринли 24-сонли МТНИ реконструкция қилиш	3 198 220 634	180 кун	2020 йил 14 май

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилиш муддати	Махсус ахборот порталида эълон берилган сана
1.	Тайлоқ тумани, «Найман» МФИдаги 150 ўринли 1-сонли МТНИ реконструкция қилиш	3 846 566 040	180 кун	2020 йил 15 май
2.	Тайлоқ тумани, «Ястеп» МФИдаги 120 ўринли 42-сонли МТНИ реконструкция қилиш	3 203 855 665	180 кун	2020 йил 15 май
3.	Жомбой тумани, «Полновариқ» МФИдаги фаолият юритмаётган 22-сонли МТТ филиалини реконструкция қилиш	3 349 104 704	180 кун	2020 йил 15 май
4.	Каттакўрғон тумани, «Дурбеш» МФИдаги 90 ўринли 53-сонли МТНИ реконструкция қилиш	2 414 318 007	180 кун	2020 йил 15 май
5.	Ургут тумани, «Қорабулоқ» МФИдаги МТТ биносини реконструкция қилиш (қўшимча 150 ўринли бино қуриш)	3 767 453 415	180 кун	2020 йил 15 май
6.	Каттакўрғон шаҳри, «Зиёлилар» МФИдаги 11-сонли МТНИ реконструкция қилиш (қўшимча 90 ўринли бино қуриш)	2 297 189 797	180 кун	2020 йил 15 май

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Самарқанд вилояти филиали.

Манзил: Самарқанд шаҳар Беруний кўчаси, 91-уй.
Тел.: (95) 611-11-64, (95) 611-11-63.

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов (тендер) таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-Д, 403-хона.
Тел.: (66) 233-32-00, 231-13-51.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот dxarid.uz порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда тендер эълони чоп этилган кун ва вақтига қадар қабул қилинади.

Таклиф (оферта)лар очилиши dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-«Д», тендер ташкилотчиси биноси.

«QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Хўжайли тумани ҳокимлигининг 2020 йил 15 майдаги 1561/02-сонли алоқа хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Мустақиллик кўчаси, 14-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

2011 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 95 228 FAA бўлган, қониқарсиз ҳолатдаги таъмирталаб ЛАСЕТТИ русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 20 097 900 сўм.**

Аукцион савдоси 2020 йил 19 июнь кун, соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилида жойлашган «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ биносидан ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг

охирги муддати: аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 18.00 тухта-тилади.

Мажбур автомашина 2020 йил 19 июнь кун сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2020 йил 24 июнь кун, соат 11.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдо фолиби деб топилган шахсларга 20 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва яшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан

аризаларни расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001 ОАТ «Турон банк» Нукус филиали МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.
Тел.: (61) 222-84-44.

Расмий сайтими: www.fmm.uz.
9506 рақамли гувоҳнома.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти филиали

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объектлар номи	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилиш муддати
1.	Хонқа тумани, «Мустақиллик» МФИда 120 ўринли 22-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	3 148 672 346	190
2.	Шовот тумани, «Остона» МФИда 150 ўринли 15-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	3 561 025 609	200
3.	Кўшқўпир тумани, «Шихмашад» МФИда 120 ўринли 39-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	3 351 560 059	200
4.	Урганч тумани, «Киллаут» МФИда 120 ўринли 16-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	3 193 936 097	200

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти филиали.

Манзил: Урганч шаҳар Ёшлик кўчаси, 24-уй.
Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Урганч шаҳар П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.
Тел.: 62 228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 2 июнь кун, соат 17.00 гача қабул қилинади.

Таклифларни очиб тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин 2020 йил 3 июнь кун, соат 16.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Урганч шаҳар Ёшлик кўчаси, 24-уй.

Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Навойий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объектлар номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Бажариш муддати	Буюртмачи: Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
1.	«Навойий вилояти, Қармана тумани, «Богичамол» МФИда 240 ўринга қўшимча ўқув блоки қуриш билан 30-сонли мактабни реконструкция қилиш	2 052 477 586	180 кун	Манзили: Навоий шаҳар Навоий кўчаси, 63-уй. Тел.: (79) 224-08-81.
2.	Навойий вилояти, Нурота тумани, «Мустақиллик» МФИда 240 ўқувчига ўқув блоки қурилиши билан 57-сонли мактабни реконструкция қилиш	1 400 427 256	180 кун	Молиялаштириш манбаси: Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Навоий

вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.
Тел.: (79) 220-50-03.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда тендер эълони махсус ахборот порталида чоп этилган санадан 15 кунга қадар қабул қилинади.

Таклифларни очиб муддати тендер махсус ахборот порталида эълон қилинган санадан бошлаб 15 кундан кейин.

ТУЗАТИШ

«O'ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасининг 2020 йил 12 майдаги 35-сонидан «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси буюртмачилигидаги 25 та объектлар бўйича берилган эълонда таклифларни топшириш ва тендер ўтказилиши саналари қуйидаги ўзгаришлар билан ўқилсин:

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан Урганч шаҳар, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уйда 2020 йил 1 июнь кун, соат 16.00 гача қабул қилинади.

Таклифларни очиб Урганч шаҳар, Хонқа кўчаси, 133-«а» уйда 2020 йил 2 июнь кун, соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.
Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.

Самарқандда «ГАСТРОНОМИК ТУРИСТИК КЎЧА» барпо этилмоқда

Самарқанднинг марказий ҳудудларидан бири ҳисобланган Орзу Маҳмудов номи кўчага йўлингиз тушса, у ерда олиб борилаётган катта қурилиш ва таъмирлаш ишларига гувоҳ бўласиз.



Узунлиги 850 метрни ташкил этувчи Орзу Маҳмудов кўчаси Лев Толстой, Университет хиббони ва Ўзбекистон кўчаларига туташ бўлиб, айнан ушбу кўчада ЮНЕСКО рўйхатига киритилган қарийиб икки аср аввал қурилган бир нечта маданий мерос объектлари мавжуд. Айнан ушбу жиҳатлар инobatга олинган ҳолда Мирзо Улўбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари эзгу ташаббусга қўл урдилар. Улар 2019 йилда Орзу Маҳмудов кўчасини «гастрономик туристик кўча»га айлантириш мақсадида лойиҳа ишлаб чиқиб, унинг тақдирини ўтказди. Илгари сурилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги мутасаддилари томонидан қўллаб-қувватланиб, лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалий ишларга киришилди.

Мазкур кўчада эндиликда гастрономик туризмни ривожлантириш бўйича махсус маскан ташкил этилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самаралар фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ўз-

қиёфасини янада кўрамлаштирмоқчимиз, – дейди институтнинг катта ўқитувчиси Ҳамза Абдиев. – Биз Самарқанд шаҳрининг айнан ушбу кўчасини танлаганимиз ҳам бежизга эмас. Чунки, у Университет хиббони ва Ўзбекистон кўчасини ўзаро боғлаб турувчи асосий кўчалардан бири бўлиб, ушбу кўчада бир қатор тарихий объектлар мавжуд. Дастлаб биз лойиҳанинг ҳолат режаси ва унинг давомийлигига эътибор қаратдик.

Мамлакатимизга саёҳат мақсадида ташриф бураётган хорижлик меҳмонлар аввало, жаннатмонанд диёримиздаги фусункор табиат ва хушманзара масканларни, саҳий, бағрикенг, меҳмондўст халқимизни, қолаверса, ноёб анъана ва қадриятлар, тарихий шаҳарларимиз, минг асрларга тенглашган меъморий обидаларимизни ва энг муҳими миллий таомларимизни эътироф этишлари рост гап. Шу сабабли ҳам биз ҳудудни ташкил этиш жараёнида кўча бўйлаб 25 тадан ортиқ гастрономик объектлар барпо этилишига аҳамият қарат-

дов кўчасида мавжуд бино ва иншоотларнинг фасадларини реконструкция қилиш, мавжуд сув тақсимлаш иншоотлари устига кичик ҳажмдаги декоратив кўприк барпо этиш, туристлар, шахримиз меҳмонлари ва маҳаллий аҳоли учун дам олиш жойлари, Wi-Fi ҳудудлари ташкил этиш устида ишлар олиб борилмоқда. Ва албатта, кўча бўйлаб тунги ёритиш чироқлари, ҳар бир гастрономик объект олдида махсус ўриндиқлар, турфа атрибутлар, шунингдек, туристлар учун шаҳардаги тарихий масканлар ва уларнинг манзиллари ҳақидаги маълумотларни берувчи ахборот маркази, эсдалик соғалар сотиш павильони, кичик декоратив фаворалар, ҳар хил турдаги фуд-траклар, кичик архитектуравий шакллар ўрнатилиши ҳам эътиборга олинмоқда. Мамлакатимизда эълон қилинган карантин чекловлари якунига етказиб, саёҳат қилиш учун имкониятлар эшиги очилади. Демакки, чет эллик меҳмонларнинг ташрифи яна бошланади. Олдинда ёз фаслини инobatга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар ва талабалар Орзу Маҳмудов кўчасида бетакрор яшилликни яратишни ҳам эътибордан четда қолдирмадилар.

– Кўчанинг ландшафт ечими нодатий тарзда лойиҳаланган бўлиб, бунда йўлақлар ва кўкаламзорлаштириш ҳудуди тўғри чиқиқ бўйлаб эмас, балки турли хил тарзда лойиҳаланган, – дейди Ҳамза Абдиев. – Бу эса ўз навбатида ўзига хосликни яратиб, кўча бўйлаб сайр қиладиган ҳар қандай инсонга ўзгача кайфият ва завқ бағишлайди. Бундан ташқари, кўчани кўкаламзорлаштириш қисмига турли манзарали дарахт ва буталар, гуллар, серсоя дарахтлар ўтказиш кўзда тутилган. Мавжуд бетон ариқларнинг усти бетон қопқоқлар билан ёпилади, бу билан ариқлар ва уларда оқётган зилот суви чанкиндилардан асраш назарда тутилган. Бугунги кунда мазкур ҳудудда ҳокимлик ва институт мутасаддилари кўрсатмалари асосида қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган.

Бугунги кунда лойиҳада белги-ланган ишларнинг деярли 50 фоизи бажариб бўлинди. Олиб борилаётган ишларнинг сифати, коммуникация тизими, қурилиш инфратузилмаси ва йўлларнинг бунёд этилишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Шу сабаб ҳам Самарқанд вилояти ҳокимлиги мутасаддилари ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари, мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ бу борада учраётган муаммолар ва камчиликлар юзасидан ўзларининг тавсияларини бериб, лойиҳа доирасидаги қурилиш ишларининг сифатли ва мукамал амалга оширилишида ўзларининг амалий кўмагини бериб келмоқдалар.

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

бекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши мамлакатимиз туристик салоҳиятини янада ошириш, айниқса, тарихий шаҳарларимизга хорижлик сайёҳлар оқимини кенгайтириш, хусусан гастрономик туризмнинг ривожланиш салоҳиятини намойиш этиш имкониятини яратди.

– Институтининг Архитектура факультети Интерьер ва ландшафт дизайни ҳамда Архитектуравий лойиҳалаш кафедралари профессор-ўқитувчилари, талабалари иштирокида мана шундай катта бир лойиҳага қўл урганимиздан жуда хурсандмиз. Албатта, лойиҳани ишлаб чиқишда бизга институт раҳбарияти катта ёрдам берди. Олимларимизнинг илмий салоҳияти ва кўп йиллик тажрибалари, архитектура санъатига доир кўникмаларимиз асосида Орзу Маҳмудов кўчасининг

моқдамиз. Нафақат миллий таомларимиз, балки дунё ошхонасидаги мазали егуликларнинг тайёрланиш технологиясини ўзида ифода этувчи овқатланиш нуқталарини ташкил қилиш ва уларни тунги вақтда ҳам ишлашни таъминлаш кўзда тутилган. Албатта, объектларнинг архитектуравий қиёфаси ва ундаги имкониятлар ташриф бурувчилар учун манзур бўлиши шарт. Айниқса, кўча Самарқанд қадимий ва тарихий шаҳар бўлиши баробарида, унинг бағрида барпо этилган меъморий дурдоналар, ҳатто ўтмиш даврларда ҳам санъат, маданият, илф-фан, меъморчилик анъаналари, шаҳарсозлик ва бошқа кўллаб йўналишлар раванқ топганидан дарак бериб туради. Ташриф бураётган сайёҳлар ана шу ёдгорликларга боқиб, бир олам таассуротлар олиши баробарида, бизнинг гастрономик туристик ҳудудимизга келиб, бетакрор лаззатли таомлардан истеъмол қилишлари, атроф гўзалликларидан баҳра олишларини жуда хоҳлаймиз.

Булардан ташқари, Орзу Маҳмуд



Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Ташриҳ хайъати:
Ботир Закиров (Ташриҳ хайъати раиси),
Қозим Тўляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қўдратбек Хошимбеков.

Ташриҳият:
Бош муҳаррир
Саҳифаловчи
Мусоҳиҳ
Дилшод Жалолов
Акмал Махкамов
Райҳон Таниқуллова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ мўассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАСҲЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Ташриҳият манзили:
100011, Ташкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва оидна бўлими)
E-mail: uzbunyodkori@mail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-553. 2143 нусхада босилди. Қўғоғ бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.

Ташриҳиятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва мўаллифга қайтарилмайди. Газета ташриҳият компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили:
Ташкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎзА ақчини – 00.20. Топширилди – 01.10.

18 МАЙ – ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

БЕБАҲО МАСКАН

Музейлар – юрт кўрки. Улар тарих, маданият, маърифат, соҳаларнинг тараққиёт босқичи ҳақида сўзлайди.



Ўзбекистонга келган хорижлик меҳмон борки, юртимиздаги музейлар фаолияти, ундаги нодир осори-атиқалар билан танишмай қолмайди.

Юртимизда қабул қилинган тегишли дастурлар асосида музейлар фаолиятини замон руҳига монанд йўлга қўйиш, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Буларнинг бари музейларимиз иши такомиллашувида, уларга ташриф бурувчиларнинг сафи кенгайишида муҳим омил бўлмоқда. Кўпинча мозийгоҳларга болаларнинг ўзустозлари билан бирга саф-саф бўлиб келаётганининг гувоҳи бўламиз. Ҳа, музейлар очик дарс ўтиш, қўшимча машғулотлар, экскурсиялар ташкил этишда, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда яхши имкониятларни очиб бермоқда.

Сайёҳлар ўқувчилар қадами узилмайдиган музейларга биз катталар қанчалик тез-тез борамиз, умуман, ҳеч борганмизми?

Замон тезкор, вақт тиғиз. Баъзан шошилишда кўчада машина тўхташига тўғри келиб қолган пайлар ҳам бўлган.

– Тарих музейини ёнига, – дейман шошилиб.

Кўпинча ҳайдовчиларнинг қош-қовоғини уйиб, «қаерда эди, қаранг, музейларни билмас эканман. Бормагандан кейин билмайди-да одам...» деган жавобига дуч келаман. Ҳа, шофёр бозорни билсин, савдо расталарию тўйхоналарни, ресторанларни билсин... Ўша жойларга кўплар ўзини кўпроқ уради. Музейда нима бор? У ерда пул йўқ, «тирикчилик» йўқ, ижтимоий тармоқлардаги каби васваса, олди-қочди гийбатлар йўқ. Ҳайдовчининг фикрини ўққандекман. Кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсиз.

Аслида бор бебаҳо бойлик, билим, маърифат, маънавий, маданий мероснинг бари музейларда-ку! Бугунги кунда ушбу маърифат масканларида ўз касбига чиндан содиқ, энг фидойи одамлар меҳнат қилади, десак бу ҳам айна ҳақиқат. Юртимизга келган хорижий меҳмонлар билан суҳбатлашганда уларнинг Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи музейлари ва бошқа маърифий масканлар, очик осмон остидаги мозийгоҳлар ҳақида тўлқинланиб сўзлаганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Дарҳақиқат, музейларимиздаги экспонатларнинг азбаройи бойлиги ва ранг-баранглигидан уларнинг аксарияти билан бир кунда тўлақонли танишиб чиқишнинг иложи ҳам йўқ.

Маданият вазирлиги томонидан музейларга виртуал саёҳат қилиш, Миллий музей жамғармаси электрон каталогини яратиш ва уни ишга тушириш юзасидан кўплаб хайрли ишларга қўл урилди. Соҳага тааллуқли бир қатор лойиҳалар, эзгу ташаббуслар ҳам бошланган.

Карантин қоидалари асталик билан юмшатишмоқда. Кўни келиб сирли хасталик барибир енгилади. Музейларга яна одамлар кела бошлайди. Зеро, мозийгоҳлар тафаккуримиз бойиши, дунёқараш кенгайиши, билимларнинг ортишида ишончли манба.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

қурилиш соҳасида

ҳудудий назорат инспекцияси

жамоаси

Барча юртдошларимизни, мамлакатимиз ободлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган қурилиш соҳаси ишчи-ходимларини Ўйғ Рамазон билан самимий муқобалабод этади. Шундай қилса, фазилатли кўнларда юртимизга тинчлик-осойишталик, меҳнатсевар, меҳмондўст халқимизга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Монажон Ватанимиз қўллаб-яшнаши, халқимиз турмушининг янада фаровон бўлиши йўлидаги эзгу ишларингизда барчангизга кўч-қувват ва омад ёр бўлсин!